БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 184 (16.874). | 9 август 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

САМАРҚАНД БОҒБОНЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Юбилей йили меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Самарқанд области боғбонлари катта зафар қўндилар. Давлатга халқ хўжалик планидаги 28,5 минг тонна мева топшириб йиллик маррани муддатидан олдин эгалладилар. Бу — ўтган йилги шу кундагидан 11 минг тонна кўп. Область боғбонларининг меҳнат ғалабасига Каттақўрғон, Нарпай, Жомбой, Пайариқ, Иштихон районлари катта ҳисса қўшдилар. Ана шу районлар икки йиллик планлар ҳам зиёд мўл ҳосил тайёрладилар. Каттақўрғон район колхозлари ва совхозлари давлатга мева сотиш планини 280 процент қилиб бажарди.

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Булунғур райони хўжаликлари бугунгача давлат пунктларига қарийб 6000 тонна, Самарқанд райони боғбонлари эса 8,5 минг тоннадан зиёд мева етказиб бердилар. Булунғурдаги «Ўзкомпартия 40 йиллиги», Фозил Йўлдош ўғли номли, Самарқанд районидаги «КПСС XXV съезди», «Ленинобод», «Боғизоғон», Калинин номли колхозлар Москва, Ленинград, Свердловск шаҳарларига, Узоқ Шарқ ўлкасига кўплаб ширин-шакар мева жўнатдилар.

Пайариқ районидаги «КПСС XXII съезди», Карл Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар, «Пайариқ» совхози кўпдан бери пландан ташкари мева топширмоқдалар. Совхознинг А. Халилов бошқараётган 7-бўлими уч йиллик план миқдорида маҳсулот топширди.

Л. ЭРҒАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЛУҒ ОКТЯБРНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар бершича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йил январь—июль ойлари планини 102,9 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,7 процент, меҳнат унумдорлиги 2,3 процент ошди.

Маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йил январь—июль ойлари планини Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри бажарди.

Қорақалпоғистон АССР ва республика областлари 1977 йил январь—июль ойлари плани билан социалистик мажбуриятларини қуйидагича бажарди:

	ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан планнинг бажарилиши (процент ҳисобида)	1976 йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати (процент ҳисобида)	йиллик мажбуриятларга нисбатан қўшимча реализация қилинган маҳсулот (процент ҳисобида).
Ўзбекистон ССР	101,8	102,3	49,6
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон АССР	100,0	93,9	55,0
Андижон области	104,2	100,6	51,1
Бухоро области	99,8	103,1	28,0
Жиззах области	101,8	105,3	50,0
Қашқадарё области	101,5	106,0	53,9
Наманган области	102,3	95,2	37,0
Самарқанд области	102,3	106,3	42,3
Сурхондарё области	103,3	106,1	61,5
Сирдарё области	102,1	107,7	53,0
Тошкент области	101,8	101,3	53,2
Фарғона области	100,7	99,3	32,0
Хоразм области	100,8	79,6	20,0
Тошкент шаҳри	102,4	106,6	60,5

Сурхондарё области ва Тошкент шаҳри, Энергетика ва электрлаштириш, Мебель ва ёғочсозлик саноати, Маҳаллий саноат министрликлари, «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электрохимпром», «Ўзбектекстильмаш», «Ўзэлектротерм», «Средазуголь» бирлашмалари, Самарқанд суперфосфат заводи ҳамда бошқа коллективлар маҳсулот реализация қилиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар июль ойида қониқарсиз ишлаб, йўл қўйилган қолоқликни тугатишни таъминламадилар. Бу эса шундан далолат берадики, баъзи министрликлар, партия, совет органлари айрим корхоналарнинг план ва социалистик мажбуриятларни бажармаслик сабабларини тугатиш учун ҳамма чораларни кўраётганлари йўқ, қолоқ корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан зарур талабчанлик қилмаяптилар.

Қашқадарё областининг саноати маҳсулот реализация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан июль ойи планини бажармади. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Фарғона областлари, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги июль ойи ишлаб чиқариш ҳажми планини бажаришмади.

39 саноат корхонаси ва бирлашмаси маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь—июль ойлари планини бажармади. Бу корхона ва бирлашмалар 24 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. «Ўзбекзолото», «Ўзбекхлопкомаш», «Навоиазот» бирлашмалари, Оққўрғон балиқ саноати бирлашмаси, «Большевик», «Андижанирмаш» заводлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Когон ёғ-экстракция заводи, «Узглавводстрой»га қарашли Тошкент темир-бетон буюмлари заводи, Фарғона сунъий чарм комбинати, «Ўзбеклес» комбинати, Андижон бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа корхоналар қолоқлар жумласидандир.

Бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажармади, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш суръатини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайтириб юборди.

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари камчиликларни бартараф этиш, қолоқликни тугатиш, ҳамма корхоналарнинг август ойи плани ва саккиз ойлик планни бажариши учун шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши, йилнинг қолган даврида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишнинг аниқ программасини ишлаб чиқиши, меҳнат коллективларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ҳамда 1977 йилга олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиши зарур.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

НУКУС, 8 август (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари, Конституция комиссиясининг раиси Қ. Камолов раислигида автоном республика Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссиянинг биринчи ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини, СССР янги Конституцияси лойиҳасини қизғин маъқуллаётганликлари, уни муҳокама қилишда актив иштирок этаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Конституция комиссиясининг ишчи группаси тузилди. Область партия комитетининг секретари К. Ризаев унинг раиси қилиб тасдиқланди.

ТАШАББУСКОРЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДАЛАР





Август — ҳосил тўплашда долзарб ой. Буни ҳис қилган Янгиёўл районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори асосида ташкил этганлар. Улар пахта теримига тайёргарлик кўриш билан бир қаторда ғўза парваришини давом эттирмоқдалар. Пахтазорларда миришкор сувчилар, моҳир механизаторлар ўзаро ҳамкорликда ишлаб ҳосил нишоналари — кўсаклар сонини оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Суратларда: 3-бригаданинг илғор механизатори М. Бегалиев ва ғўзани чеканка қилиш.

Ю. Богданов фотолари.

ҚАРДОШ ТУРКМАНИСТОН ДАЛАЛАРИДА

ТУРКМАНИСТОН («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси раиси Р. Р. Сафаров бошчилигидаги Ўзбекистон ССР пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Туркманистон ССР Тошовуз ва Чоржўй областлари пахта далаларида юбилей йили социалистик мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлиги билан таниша бошладилар.

Иляли районидаги «Ленинизм» колхозининг Қ. Мамедов бошлиқ бригадаси далаларида бўлган мусобақадошлар мўл ҳосил тўпланаётганлигини кўриб, мамнун бўлишди. Юбилей йилида гектаридан 60 центнердан хирмон кўтариш учун курашаётган бу илғор коллектив ҳозиргача ҳар туп ғўзада 16-18 тадан кўсак тўплашга эришган. Шу райондаги Калинин номли, «Ленинград», «Большевик», «Партия XXII съезди» колхозларида ҳам ҳар гектар ердан 45-55 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун фидокорона меҳнат қилинаётганлиги ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини мамнун этди.

Ўзбекистонлик пахтакорлар қардошларимизга айрим участкаларда ғўза парваришини янада кучайтириш, қўшимча озиқлантириш ва суғориш борасида қимматли маслаҳатлар бердилар.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Тошовуз ва Чоржўй областларида ўз ишларини давом эттиряптилар.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

5 МИЛЛИОН 360 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН

◆ Ташаббускор Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди», Ворошилов номли, Усмон Юсупов номли совхозлар ва бошқа хўжаликларда ғўзаларни суғориш билан культивация бир-бирига боғлаб олиб бориляпти, бегона ўтлар йўқотиляпти, ҳашаротлар қириб ташланяпти. Ҳар туп ғўзада 6—7 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирилди. Ғўза парваришида улардан намуна олайлик!

◆ Районда пахтани йиғиб-териб оладиган, ташийдиган отрядлар тузиляпти, уларга терим машиналари, тележкалар, механизм-агрегатлар бириктиляпти, техника воситаларини тўла қувват билан икки сменада ишлатиш учун механизатор кадрлар сафи кенгайтириляпти ва мустаҳкамланяпти. Республикамизнинг барча пахтакор хўжаликларида йиғим-теримга тайёргарлик даврида шундай қилиниши керак.

◆ Пахта терадиган машиналарнинг ремонти 10 августгача, кўрак чувийдиган машиналар, тўкилган пахтани териб оладиган агрегатлар ва кўрак терадиган машиналар ремонти яқин кунларда тўла тугалланади. Ҳамма жойда ремонт ишларини тезроқ, сифатлироқ тугаллаш чоралари кўрилсин!

◆ Юбилей йилида республикамиз бўйича ялпи ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема»ларда теришга пухта замин яратайлик!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ АМАЛДА

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

ОҚОЛТИНЛИКЛАР ТАШАББУСИ АСОСИДА

Ҳар бир ишни ўз вақтимавридида амалга оширган деҳқоннинг қўли баланд. Чунки йўқолган фурсатнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ставрополь ўлкаси Ипатово район галлакорларининг тажрибаси ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Оқолтин райони меҳнат аҳлининг ташаббуси ҳам вақтдан самарали фойдаланишга ҳамда йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилгандир.

Шу факт қувончлими, юбилей йилида баракали хирмон яратиш йўлидаги катта меҳнат ўзининг самаларини бермоқда. Буни далаларимизда тўпланган мўл ҳосил кўрсатиб турибди. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада ўрта ҳисобда 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор, уларнинг сони август ойи давомида янада кўпаяди.

Мажбуриятимиз ҳам чакки эмас. 1290 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан, жами 5550 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилганмиз. Ўтган йили ҳосилдорлик 37 центнердан кўпроқни ташкил этган эди, демак ҳосил гектар бошига олти центнерга ўсади. Коммунистлардан Эгамберди Оллоберганов, Худойберган Мадраҳимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Бектурди Эшчонов бошлиқ пешқадам бригадалар «60 йилликка—60 центнердан» деган ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мақсадида қизғин қураш олиб бормоқдалар.

Рекорд ҳосил етиштириш жуда катта меҳнат, мислсиз жасорат, билим ва тажриба талаб этиши ўз-ўзидан равшан. Азамат деҳқонларимиз, механизаторларимиз йил бошидан ҳозирга қадар жонбозлик кўрсатиб, юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплашга эришдилар. Айниқса сувчиларнинг матонати таҳсинга муносибдир. Улар кечаси-кундузи қулоқнинг бошидан, эгатлар ёнидан жилмай, ҳар томчи сувдан тежаб-тергаб фойдаландилар, сув тақчилигини енгиб, экинни кун сайин яшнатдилар.

Далаларда ҳозир ҳам меҳнат жўш урмоқда! Культиваторлар билан ҳар туп ғўзанинг туби юмшатиляпти, бегона ўтлар таг-томири билан йўқотиляпти. Бир туп ғўзани ҳам чанқатмаслик, ҳашарот тарқалишига йўл қўймаслик, чеканкани сифатли ўтказиш, хуллас агротехника тадбирларининг бутун комплекси қизғин давом эттириляпти. Ғўза парвариши машина теримига мослаб олиб борилмоқда. Биз дастлабки кўзда тутилганидан анча кўпроқ пахтани, яъни бутун ҳосилнинг 70 процентини машиналар билан теришни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахта анча эрта пишиб етилади. Демак, областда йиғим-терим ўтган йилдагига қараганда барвақт бошланади. Чунки ёз иссиқ келди, ҳарорат юқори бўлди. Биз бу фактни эътиборга олишимиз, ғўза парваришини бир дақиқа ҳам бўшаштирмаган ҳолда, пахта йиғим-теримига ҳозирлик кўришни авж олдиришимиз керак. Пахта, маккажўхори ва бошқа экинларни қисқа муддатда йиғиштириб олиш юзасидан ҳар бир район, ҳар бир хўжалик аниқ, оқилона тадбирлар, комплекс план асосида иш кўриши зарур. Бу соҳада оқолтинликлар ташаббуси биз учун ибрат бўла олади.

Йиғим-теримга тайёргарлик кўришда шу кунларнинг ҳар бир соати ва дақиқаси ғанимат. Техника ремонтидаги кечикиши эътиборга олиб, биз «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ва колхоз устахоналарига қўшимча ремонтчилар — малакали механизаторлар ажратдик. Мавжуд 15 та терим машинаси, шу жумладан 9 та «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли агрегат, 69 та Т-28 трактори, 50 та прицеп, 3 та силос комбайни, маккажўхори ўрадиган ва тозалайдиган «Херсонец-7» комбайни ҳамда бошқа турдаги механизмлар жадал суръат ва юқори сифат билан ремонт қилинмоқда. Яқин кунларда ремонт тамомланади. Машина теримига ажратилган 800 гектарга яқин майдонни тайёрлаш, дефолиацияни ўз вақтида ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Оқолтинликлар ташаббуси асосида терим отряди тузиш, эвеналар ташкил этиш, уларга терим машиналари, далани тайёрлайдиган механизмлар, трактор прицеплари, кўчма устахона биркитиб қўйиш ва бошқа тадбирлар биз тузган комплекс планда конкрет акс эттирилган. Правление ва партия ташкилоти белгилаган тадбирларга кўра ,йиғим-терим даврида социалистик мусобақани уюштириш, илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, дала механизаторларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларига, алоҳида эътибор берилади.

Колхозимизда дон учун 65 гектар, силос учун 35 гектар ерда маккажўхори етиштирмоқдамиз, беда майдонини анча кенгайтирдик. Бобожон Ҳожиев бошлиқ бригада ҳар гектар ерда 100 центнер маккажўхори дони етиштириш учун курашмоқда. Маккажўхори донини қисқа муддатда йиғиб олиш учун зарур тадбирларни кўраётирмиз.

Йиғим-теримга тайёргарлик ишларининг кўлами кенг. Бу соҳада «майда иш» деб қараладиган бирор тадбир бўлиши мумкин эмас. Йўл-кўприкларни созлаш, тош-тарозини тахт қилиш, қоп-канорни тайёрлаб қўйиш, пахта хирмонларини ва майдончаларни тузатиш, хуллас ҳамма нарсани шай ҳолга келтириш зарур. Бу ишларга ҳозирги кунлардан қулайроқ вақт йўқ. Қизғин мавсум яқинлашаётганлиги бизни тезроқ ҳаракат қилишга, ташкилий ишларни кучайтиришга даъват этяпти.

Колхозимиз областда довруқли хўжалик бўлганлигини, юбилей йилидаги мўл ҳосил унинг шуҳратига-шуҳрат қўшишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида битта қувончли фактни эслаш ўринли, колхозимиз Хоразмдаги биринчи орденли колхоздир, СССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 20 февралдаги фармонига мувофиқ, колхозимиз қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги катта ютуқлари учун «Ҳурмат Белгиси» орденини олишга мушарраф бўлган эди. Биз юксак шарафга ҳамиша лойиқ бўлиш учун курашиб, меҳнат зафарларимиз билан севикли Ватанни қувонтирамиз. Юбилей йилида кўтарган юксак хирмонимиз — Октябрга муносиб туҳфамиз бўлади.

И. ЭГАМБЕРГАНОВ,
Урганч районидаги Калинин номидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли колхоз раиси.

МУСОБАҚАДА ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ УЧУН

Тошкент полиграфия комбинати билан Фарғона область китоб савдоси бошқармасининг Қўқон бўлими коллективлари турдош корхоналар ва ташкилотларнинг шу йил иккинчи кварталидаги иш якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринликни эгалладилар. Бу коллективларга СССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилди.

Мусобақа ғолиблари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтиришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ).

ПОЛИЗЛАР САХОВАТИ

Ўзбекистон деҳқонлари давлатга ярим миллион тонна сабзавот сотдилар. Бу —ўтган йили шу кунга қадар сотилганидан анча кўп. Тошкент, Самарқанд, Фарғона областларининг миришкорлари сабзавотни юксак суръатлар билан йиғиштириб олмоқдалар.

Кўпгина хўжаликларда бу йил карам кўчатлари қалин қолдирилди. Помидор кўчатлари ҳам ҳар гектар майдонда 50—60 минг туп қолдириб парвариш қилинди. Бу —экинзорлардан мўл ҳосил олиш имконини берди. Аҳоли орасида харидоргир помидорнинг ўртапишар навларини етиштириш анча кўпайди.

Узбекистондаги кўпгина хўжаликлар юбилей йилида давлатга сабзавот сотиш икки йиллик планини бажаришга аҳд қилдилар. (ЎзТАГ).

ГЕКТАРИДАН 100 ЦЕНТНЕР ДОН ОЛИНДИ

Москва районидаги «Правда Востока» колхозининг маккажўхоризорларини агрегатлар тарк этди. Механизаторлардан Қаҳҳорали Абдураҳимов ва Бегали Турдалиев муваффақиятга эришдилар. Улар 38 гектар майдондаги маккажўхорини етти иш кунида йиғиштириб олишга муваффақ бўлдилар. Ҳар гектар ердан 100 центнер «каҳрабо дон» олинди.

Областда ҳозир 175 та комбайн ишлаб турибди. Шунча агрегат кунига 300 гектар майдондаги маккажўхорини йиғиштириб бермоқда. Ҳосили ўриб олинган ерлар шудгор қилинаётир. Бу майдонларга такрор маккажўхори, мош, карам, бодринг, сабзи экилади.

(ЎзТАГ).

КАНОПНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШГА КИРИШИЛДИ

Республика лубкорлари мамлакатда бу техникавий хом ашёнинг 95 процентини етиштириб берадилар. Ўзбекистонининг ихтисослаштирилган хўжаликлари каноп ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар. Урта Чирчиқ районидаги Николаева—Терешкова номли колхозининг лубкорлари Тошкент областида биринчи бўлиб каноп ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар. Улар гектаридан 210 центнер, яъни план топшириғида мўлжалланганидан 25 центнер кўп каноп пояси олишга аҳд қилишган.

Республикада 16 минг гектар майдонда 900 дан ортиқроқ каноп ажратадиган машина ишлаб турибди. Ҳосилни йиғиштириб олишда бу йил биринчи марта янги, юқори унумли комбайнлардан фойдаланилмоқда. Бу комбайнларни пахтачилик машиналари бўйича махсус конструкторлик бюроси яратди. Агрегат пояни қирқади, тозалайди, каноп поясини далада тўплаб кетади. Икки механизатор-тракторчи билан комбайнчи 12 деҳқоннинг ишини бажаради.

Узбекистон лубкорлари юбилей йилида давлатга 305 минг тонна каноп пояси топшириш мажбуриятини олишган. Улар ўрим-йиғим ишларини 15 иш кунида бажаришни мўлжаллаб турибдилар. (ЎзТАГ).

Т. ЖИВКОВ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дам олиш учун Совет Иттифоқига келди.

ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ҲУҚУРҒОН. («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Район меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига мусобақани кучайтириб, ипатоволиклар ташаббусини кенг қулоч ёйдириб, катта зафар қўндилар. Йиллик сабзавот тайёрлаш планини Наманган областида биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов ташкилотларига деярли 2800 тонна юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу планда кўзда тутилганидан анча ортиқдир. Шунингдек, улар шаҳар меҳнаткашларига 710 тонна ўрнига 1030 тонна мева армуғон этдилар. Район бўйича полиз маҳсулотлари сотиш плани ҳам муддатидан олдин 104 процент адо этилди.

Улкан хирмонга Охунбобоев номли колхоз йиллик сабзавот тайёрлаш планини ҳозирдаёқ 106 процент бажариб, муносиб ҳисса қўшди. «Москва», Ленин номли колхозлар, Ленин номли совхоз меҳнатчилари мева-тайёрлашни кўпайтиришда айниқса яхши кўрсаткичларга эришди.

Район меҳнат аҳли ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, тайёрлов ташкилотларига яна 1272 тонна сабзавот, 210 тонна хўл мева, 200 тонна полиз маҳсулотлари сотиш ҳақида оширилган мажбурият олди. Маҳсулотлар топшириш давом эттирилмоқда.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Барча совет кишилари қатори областимиз ишчилари ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи янги Конституцияси лойиҳасини сатрма-сатр, моддама-модда ўқиб чиқиб, бу муҳим ҳужжат юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар, таклифлар киритмоқдалар. Зеро ,давлатимиз Асосий Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилганлиги, янги Конституциямизнинг ҳаракатдаги Конституциядан афзалликлари мантиқан зўр куч билан таъриф-лаб берилганлиги маорифчиларнинг ижодий меҳнати ва ташаббускорлигини янада жўш урдириб, халқ зиёлилари ўртасида ғоят кўтаринки руҳ ва ижтимоий активликни юзага келтирди.

Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида социалистик тузумимизнинг сиёсий ва иқтисодий системамизнинг асослари мукаммал ифодаланганлиги, ривожланган социалистик жамиятда бизнинг асосий инсоний ҳуқуқларимиз, ҳеч қандай монесиз эркинликларимиз ва муқаддас бурчларимиз давлат томонидан гарантияланганлиги қалбларимизни беҳад ифтихор ҳисларга тўлдириб, қувончимизни янада ошириб юборди.

Янги Конституциямизнинг ҳар бир боби ва моддасида, ҳар бир жумласи ва сатрида бизнинг энг эзгу тилакларимиз мужассамланган, қўлга киритган ва эришаётган муваффақиятларимиз, совет турмуш тарзининг маънавий гўзаллиги ва тўлақонлиги, коммунизм сари шаҳдам одимлар билан бораётган жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ажойиб тарзда кўрсатиб ўтилган.

СССР янги Конституцияси лойиҳасининг асосий йўналиши шундан иборатки, унда социалистик демократия янада кенгайтирилди ва чуқурлаштирилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Партия Марказий Комитети 1977 йил май Пленумида қилган докладида таъкидланганидек, ҳозир амалда бўлган Конституцияда ҳам кишилар турмушининг туб негизларига алоқадор бўлган социал-иқтисодий ҳуқуқларнинг кенг комплекси кўзда тутилганлиги маълум. Аммо бу ҳуқуқларнинг мазмуни нақадар чуқурлашганлигини, унинг замиридаги моддий гарантиялар энди нақадар бой ва салмоқдор бўлиб қолганлигини биз яхши биламиз. Ана шуларнинг ҳаммаси янги Конституция лойиҳасида кенг акс эттирилган.

Янги Конституция лойиҳасининг 40-моддасида дейилади:

«СССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига, яъни меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ тўланадиган ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқига, шу жумладан ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, ўрганган касбларига, олган билимларига мувофиқ равишда жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи социалистик хўжалик системаси билан, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини тинимсиз ўстириш билан, текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ошириш ва янги ихтисосларни ўргатиш йўли билан таъминланади».

Гражданларнинг эркин меҳнат қилиш ва гарантияланган иш билан таъминланиши тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатаётган оталарча ғамхўрлик совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда.

Янги Конституция лойиҳасининг ана шу моддаси юзасидан айрим мулоҳазаларни айтмоқчиман. Лойиҳадаги мазкур модда шундай таҳрирда ёзилса мақсадга мувофиқ бўлур эди:

«Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқи социалистик хўжалик системаси билан, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ва ишлаб чиқариш воситаларини тинимсиз ўстириш билан, давлат томонидан ва мураббийлик ҳаракатини авж олдириш асосида текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ва профессионал маҳоратини ошириш ҳамда уч-тўрт касб бўйича янги ихтисосларни ўргатиш йўли билан таъминланади», дейилса, маъқул бўлур эди. Чунки, Совет давлати гражданларнинг ўз ижодий кучларини, қобилиятларини ва истеъдодларини ривожлантиришлари ва ишга солишлари учун, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун реал имкониятларни кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Конституция лойиҳасида халқ маорифчилари шу ўринни бойитадиган ва уларни мактаб парталаридаёқ, институт аудиторияларидаёқ баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришга рағбатлантирадиган моддалар ва қоидалар ҳам кўп. Чунончи, янги Конституция лойиҳасининг 25-моддасида шундай дейилган: «СССРда ягона маориф системаси мавжуд бўлиб, у ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга, маънавий ва жисмоний камол топтиришга, уларни меҳнатга ва ижтимоий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилади. СССРда илм олиш текиндир». Янги Конституция лойиҳасида белгилаб берилган бу қоидалар маорифчилар олдида бутун куч ва билимларини, маҳорат ва истеъдодларини тўла ишга солиш учун янги истиқбол уфқларини очиб беради.

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Қашқадарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарбиявий ишлар ва мактабдан ташқари муассасалар кабинетининг мудири.

МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИ

«ЛЕНИН ЙЎЛИ»

Пахтачи район Калинин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Шовҳиев: — Биз, СССР Конституцияси 11-моддасининг охирига **«Колхозлар ердаги резервларни тобора кўпроқ излаб топишлари, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириб боришлари шарт»**, деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф қиламиз. Колхозимизда Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида кўпгина бригадаларнинг бошлиқлари, табелчилар шу фикрни ўртага ташладилар.

«ЛЕНИН БАЙРОҒИ»

Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзлари Қашқадарё область комитетининг раиси С. Соҳибов: — Ҳар бир колхоз ёки совхоз ўз территориясидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билан бирикки йил олдин яқин алоқа боғлашлари, учрашувлар, суҳбатлар, экскурсиялар ташкил қилишлари ва бу билан уларда қишлоқда қолиб ишлашга ҳавас уйғотишлари керак. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда янги Конституция лойиҳасига **«Ёшларни коммунизм қурилишининг актив қурувчилари қилиб тарбиялаш, қишлоқ маданиятини тағин ҳам кўтариш, коммунизм моддий-техника базасини яратишда ёшлар ташаббускорлигини ошириш, уларни яхши ва доимо касб танлашларига мактаб педагогик коллективидан ташқари оталиқ ташкилотлари, колхоз ва совхозлар маъмуриятларининг жавобгарлигини ошириш керак»**, деган жумлани киритишни таклиф қиламан.

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

Гулистон шаҳридаги пахта титиш-тикувчилик комбинатининг ишчиси З. Мўминова: — Мен онаман. Шунинг учун биринчи навбатда бола тарбияси тўғрисида қайғуришим керак. СССР янги Конституцияси лойиҳасида бу тўғрида алоҳида модда бор. Мен 66-модда сатрлари устида мулоҳаза юритиб, шундай фикрга келдим: **менингча, «Болаларни сўзидан кейин «тўғри», уларни сўзидан кейин «ёшлигидан» сўзларини, «тайёрлаш» сўзидан кейин вергул қўйиб, «Ота-Онанинг содиқ фарзандлари» деган жумлани қўшиш керак. Шундагина болани ёшлигидан тўғри тарбиялаш тўғрисидаги фикр анча мукаммаллашган бўларди.**

«МАРҒИЛОН ҲАҚИҚАТИ»

Марғилондаги ипак комбинати меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи В. Горобченко: — хотин-қизлар эркаклар билан тенг меҳнат қиляптилар, ижтимоий ҳаётда актив иштирок этмоқдалар. Аммо, улар баб-баравар меҳнат қилиш билан бир қаторда жуда кўп уй юмушларини ҳам бажаришади-ку. Мен Конституцияга **хотин-қизларнинг иш кунини бир соат қисқартирилсин, деб қўшимча киритилишини таклиф қиламан. Шунингдек, хотин-қизлар учун пенсия ёшини 50 ёшдан, кўп болали оналар учун эса 45 ёшдан белгиланишини истардим.**

Шахсий пенсионер Г. Сайфутдинова: — СССР Конституциясининг 2-боб 12-моддасидаги «СССР гражданларининг шахсий мулкида, меҳнат билан топилган даромадлар ва жамғармалар, уй-жой ва уйдаги ёрдамчи хўжалик, уй-рўзғор ашёлари, шахсий истеъмол ва қулайлик буюмлари бўлиши мумкин. Гражданларнинг шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, худди, шунингдек, уларнинг шахсий мулкка ворислик ҳуқуқи қонун билан қўриқланади», деган жумланинг охирги қисми **«Гражданларнинг ҳалол меҳнат билан топган шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи қонун билан қўриқланади»** деб ўзгартирилса мақсул бўларди.

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА

Тельман номли Тошкент маданият ва истироҳат паркининг ҳиёбонлари СССР янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар билан безатилди. Паркда бутун оммавий-сиёсий ишлар ана шу муҳим ҳужжатни пропаганда қилишга қаратилган. Бу ерда лекторий очилган, Асосий Қонуннинг айрим бўлимларига бағишлаб тематик кечалар ўтказилмоқда. Ёшларнинг ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашуви қизиқарли ўтди. Учрашув иштирокчилари Октябрь революциясининг буюк ғалабалари тўғрисида ифтиҳор билан гапирдилар, совет кишиларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи ана шу ғалабаларнинг биридир.

Тошкентдаги бошқа парклар ҳам СССР Конституцияси лойиҳасини пропаганда қилиш соҳасида ташаббус кўрсатмоқда. Комсомол 40 йиллиги номли янги Чилонзор паркида «Бизнинг қудратимиз — халқларнинг ленинча дўстлиги ва ҳамкорлиги»дан иборат ҳафталик ўтказилди. Паркнинг «Ҳаётбахш ер» ҳиёбонида ўтказилган «Ер — ҳаётимиз манбаи» мавзуидаги кечада Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Ш. Ҳ. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Мирзачўл районидаги қўриқ ерда жойлашган Абай номли совхоздан Социалистик Меҳнат қаҳрамони Расул Хайдаров бошлиқ бригада далаларида тракторларнинг садоси эрта саҳардан янграй бошлади. Бригада механизаторлари охирги — еттинчи культивацияга тушган эдилар. Далага еттита агрегат олиб тушилди.

Бригаданинг бу йилги экинзорлари каттакон майдонда 300 гектар ерда кулоч ёзиб, ҳар бир туп ғўзада ғуж-ғуж ҳосил етилмоқда. Расул Ҳайдаров бошлиқ бригада шу йилнинг бошида қолоқ участкага ўтди. Шунга қадар бу ерда тўртта бригада ғўзани парвариш қилиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олишарди. Баъзи бир пахтакорлар бу ерларнинг тупроғи унумдор эмас, бундан ортиқ ҳосил кўтариш амри маҳол деб ҳисоблардилар.

Лекин коммунист Ҳайдаров бўлакча ўйларди: унинг йириклаштирилган комплекс-механизациялаштирилган бригадаси бир йил ичида гектар бошига ҳосилдорликни 20 центнер ошира олади. Деҳқонлар янги далаларда ғўзани парвариш қилиш технологиясини олдиндан ишлаб чиқдилар, ғўза парваришнинг махсус схемасини, суғориш, ўғитлаш графикларини тузидилар. Илгаригидек, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш учун курашда асосан техникага таянишга аҳд қилдилар. Бригаданинг 30 аъзоси ўз кучларини оқилона тақсимлаб, ер ҳайдаш, далаларни текислаш, чигит экиш, культивация, ғўзани чеканка қилиш вақтида механизмлардан самарали фойдаландилар.

Мўл ҳосил учун курашнинг ҳозирги ҳал қилувчи палласида далаларда иш қизғин. Сувчилар ҳар бир литр сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ғўзанинг қўллатиб суғорилишига йўл қўймай ҳар бир туп ғўзанинг чанқоғини бостириб, кеча-кундузи посбонлик қилмоқдалар. Қатор оралари ишлаётган механизаторлар агрегатлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Бригада пахтакорлари яқинлашиб келаётган йиғим-терим мавсуми тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилмоқдалар. Участкалар механизаторлар ўртасида тақсимланди, ўнта «зангори кема»нинг ҳаммаси бекамиқўст тахт қилиб қўйилди. Ана шу машиналардан бутун ҳосилнинг 90 проценти — 1350 тонна «оқ олтин» териб олиниши керак. Йиғим-теримни 10-11 иш кунида ўтказиш мўлжалланмоқда.

Эндиликда бригадада ҳар бир деҳқон 50 тонна «оқ олтин» етиштиради. Ҳар центнер пахтанинг таннархини 26 сўмгача тушириш планлаштирилмоқда. Бу — хўжалик бўйича эришилган ўртача кўрсаткичдан анча паст.

(ЎзТАГ).

МИРИШКОРЛАР ҲИССАСИ

Наманган районидаги «Коммунизм» колхозида чорвачилик учун хлорелла ишлаб чиқарадиган янги «цех» пайдо бўлди. Шу билан республикада Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари П. Нескубо билан Р. Селеметовларнинг рационализаторлик таклифи жорий этилган юзинчи хўжалик пайдо бўлди. Улар бир кунда 10 тонна микроқўзғат ўстириладиган янги қурилма ясадилар. Уни тайёрлаш ва ишлатиш осон. Новаторларнинг таклифи республикага бир йилда 895 минг сўм иқтисодий самара беради.

Хлорелла ўстиришда ишлатиладиган янги қурилма республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўтказган республика кўрик-конкурси чоғида тушган 205 рационализаторлик таклифларидан биридир. Кўрик-конкурс Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимлари таклиф қилган ва жорий этилган янгиликларнинг бир қисмигина халқ хўжалигига 1,5 миллион сўмдан кўпроқ фойда келтирди. (ЎзТАГ).

МАШИНАЛАР ТАХТ

Тошлоқ районидаги Охукбобоев номли колхоз устахоналарида пахта терим машина-механизмларини «оқ олтин» мавсумига тайёрлаш тугади 18 та пахта терим агрегатининг ҳаммаси, 8 та кўсак чувиш машинаси ва худди шунча кўрак ўзиш машинаси йиғим-теримга шай қилиб қўйилди.

«Зангори кема»ларнинг двигателлари ва бошқа узелларини колхоз усталарининг ўзлари тузатдилар. Ремонтда механизаторлардан А. Шоҳбунов, Б. Тўланов, Ш. Халилов ўрнак кўрсатдилар. Тошлоқ районидаги «Оқ олтин», «Коммуна» колхозлари ва бошқа хўжаликларда ҳам йиғим-терим техникасининг ремонти ниҳоясига етказилди. [ЎзТАГ].

Босилмаган хатлар изидан

МОЛИЯ ИНТИЗОМИ БУЗИЛГАЧ

Сурхондарёлик газетхонлардан А. Тўраев ва М. Мингноровлар редакциямизга ёзган хабарларида Денов районидаги К. Маркс номли совхозда молия интизоми қўпол равишда бузилаётгани, совхоз раҳбарлари эса бу фактга панжа орасидан қараётганликлари ҳақида маълум қилишган эди.

Ушбу таниқидий хабар юзасидан текшириш ўтказган ДЕНОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

Хатдаги фактлар тасдиқланди. Текшириш якунлари район партия комитети бюроси ҳамда совхоз бошланғич партия ташкилоти йиғилишида муҳокама қилинди. Хўжаликда молия интизоми устидан қаттиқ назорат ўрнатилмагани учун совхоз директори К. Каримовга огоҳлантириш шарти билан виговор берилди. Шунингдек, хўжалик партия ташкилоти секретари Т. Абдураҳмоновга ҳам виговор эълон қилинди. 1- ва 3-бўлим бошлиқлари А. Абдурахмов, К. Ражабовлар, 3-бўлим катта бухгалтери Ж. Нормуродов, 1-бригада бригадири С. Мажидовларга шахсий ҳисоб карточкаларига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. Ревизия ниҳоясига етгач, юқорида номлари тилга олинган кишилар устидан тўпланган материаллар прокуратура органларига юборилади.

ЙЎЛЛАР ЙЎЛГА ЎХШАСИН

Шофиркондан мактуб йўллаган бир группа газетхонлар К. Маркс номли колхоз айрим бригадаларида радиолинялар ишдан чиқанлиги, йўллар нотекислиги тўғрисида хабар беришган эди.

ШОФИРКОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ушбу хат юзасидан йўллаган жавобида қуйидагилар маълум қилинади.

Фактлар тасдиқланди. Ҳозир радиолинялар тузатилмоқда. Райижроком колхоз правлениеси зиммасига хатда кўрсатилган камчиликларни тугатиб, йўлларни ремонт қилиш вазифасини юклади. Шу кунларда ремонт ишлари бошлаб юборилди.

МУАММО ВА МУЛОҲАЗАЛАР

КЕЛАЖАКНИНГ БУЮК ҚУРИЛИШИ

СИБИРЬ ДАРЁЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА ОҚИЗИШ КЕРАКМИ? КЕРАК!

КПСС XXV съезди мамлакат шарқий районлари: — Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий ресурсларини ўзлаштиришни жадаллаштириш ҳамда иқтисодий потенциалини кенгайтиришнинг қатор принципиал масалаларини белгилади. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ўнинчи беш йилликда нефть ва газ қазиб олишни, алюминий ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ҳаммаси, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришнинг 90 процентидан ортиқроғи, мис ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг тахминан 80 проценти, целлюлоза тайёрлашни кўпайтиришнинг 45 проценти ва картон ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг салкам 60 проценти шарқий районлар ҳисобига таъминланиши таъкидлаб ўтилган. Мамлакат шарқий районлари қаторида Ўрта Осиё республикалари зиммасига ҳам муҳим вазифа тушади.

Ўрта Осиё ривожланган суғориладиган деҳқончиликка асосланган анъанавий регион ҳисобланади. Бу ердаги қулай табиий-иқлимий шарт-шароитлар, регион халқларининг кўп асрлик тажрибаси, халқ хўжалигини бошқаришнинг ижтимоий ишлаб чиқариш системасига планли таъсири Ўрта Осиё республикаларида мамлакатнинг асосий пахта базасини яратиш имконини берди. Мамлакатимизда тайёрланаётган пахтанинг 90 проценти Ўрта Осиёда етиштириляпти. Мана шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўрта Осиё республикаларида сув хўжалиги қурилишини да суғориладиган деҳқончиликни тараққий эттиришга катта эътибор бериб келмоқда.

1966—1975 йилларда давлат ва колхозларнинг маблағлари ҳисобига мамлакат бўйича сув хўжалиги қурилишига қарийб 30 миллиард сўм сарфланган бўлса, шунинг 10 миллиарди Ўрта Осиё республикаларида ўзлаштирилган. Сув хўжалиги қурилишида янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, илгари ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Мамлакат бўйича бундай тадбирлар 8-3 миллион гектар ерда олиб борилган бўлса, унинг 5 миллион гектардан кўпроғи Ўрта Осиё республикаларига тўғри келади.

Пахтачиликни ривожлантириш, умуман суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантириш истиқболлари ниҳоятда улкандир. Мутахассислар ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўрта Осиё республикаларида пахта етиштириш 1990 йилга бориб 10—11 миллион тоннага етказилиши, «оқ олтин» ундириладиган экин майдонлари 1975 йилдаги 2,6 миллион гектардан 3,7 миллион гектарга етказилиши керак.

Пахтачиликни ва умуман суғориладиган деҳқончиликни янада тараққий эттириш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишдан ташқари янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришни ҳам талаб қилади. Шундай резервлардан бири Орол денгизи ҳавзасидир. Бу ерда суғориладиган деҳқончилик учун яроқли ер 30 миллион гектарга тенгдир. Бугунги пайтда унинг бор-йўғи 6 миллион гектари суғорилянти, холос. Ўлканинг суғориладиган майдонларида 70 процентдан кўпроқ қишлоқ хўжалик экинлари ундирилиб, барча экинларнинг 97,2 проценти миқдорида ялпи ҳосил олинмоқда.

Яқин 10-15 йил мобайнида Ўрта Осиё республикаларида қўшимча 2-2,5 миллион гектар янги ез ўзлаштирилиши ва суғорилиши режалаштирилаётганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Бироқ, ҳозирнинг ўзидаёқ Ўрта Осиё республикаларида, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларининг камчиллиги яққол сезилмоқда. Ўрта Осиёдаги суғориладиган 6 миллион гектардан 2,5 миллионида сув таъминоти 85—90 процентни ташкил этаётир. Орол денгизи ҳавзасида эса кейинги йилларда сув тақчиллиги 10-11 миллиард куб метрга етиб, бунинг оқибатида ҳар йили 600 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кам олинмоқда. Бу ҳол йилдан-йилга кучайиши табиийдир.

Шу муносабат билан сув тақчиллигини бартараф қилиш ва ўлкадаги суғориладиган деҳқончиликни ҳамда барча ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлаш учун қўшимча сув манбаларини топиш муаммоси кўндаланг бўлмоқда. Хўш, бу муҳим ҳаётий масалани ҳал қилишнинг қандай йўналишлари мавжуд?

Иккита йўналиш бор. Бу, биринчидан, Орол денгизи ҳавзасида мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Иккинчидан, Орол денгизи ҳавзасидан йироқдаги манба — Сибирь дарёларидан бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш йўли билан қўшимча сув ресурслари олишдир.

Орол денгизи ҳавзасида хўжаликлараро суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,84 га тенг. Хўжаликлараро суғориш тармоқларида сувларнинг бутланиши 8 миллиард куб метрга етмоқда. Бу тармоқларнинг бетонлаштирилган қисми узунлиги 15 процентга ҳам етмайди. Хўжаликларнинг ички суғориш тармоқларида эса йўқотилаётган сув 30-40 процентдан ошаётир. Хўжаликлар ичидаги суғориш тармоқларида бетонли каналлар салмоғи 5 процентдан ҳам камдир. Демак, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш амалдаги суғориш тармоқларини қайта қуриш ва реконструкциялашни талаб қилади. Ҳисоб-китоблар 3,5 миллион гектар майдондаги суғориш тармоқларини қайта қуриш ва реконструкциялашга узоқ йиллар ва тахминан 30 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш зарурлигини кўрсатяпти. Бироқ, бу тадбирлар ҳам сув ресурсларини кескин кўпайтиришга ёрдам беролмайди. Уларнинг ҳисобига тахминан 11,5 миллиард куб метр сув тежалиб, шундан 10 миллиард куб метри ҳозирда суғорилиб келинаётган майдонлардаги сув таъминотини яхшилайди. Қолган 1,5 миллиард куб метри эса атиги 150 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришга етиши мумкин. 1990 йилга келиб, 2-2,5 миллион гектар майдонни ўзлаштириш ва суғориш зарурлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги йўл ўз-ўзидан бизни қониқтирмайди. Шунинг учун ҳам иккинчи йўл — Сибирь дарёлари бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига оқизиш ҳар томонлама маъқул кўринади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун Сибирь дарёлари бир қисмидан фойдаланиш ғояси эндигина пайдо бўлган эмас. Бироқ, у СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқишда кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам КПСС XXV съезди қарорларида: «Шимол ва Сибирь дарёлари тармоқларидан бир қисмининг сувини Ўрта Осиёга, Қозоғистонга ва Волга дарёси ҳавзасига буриш проблемаси билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишлари ўтказилсин ва шу асосда лойиҳалаш ишлари амалга оширилсин» — дея тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўзининг «1976—1980 йилларда ерларни мелиорациялаш плани ва мелиорацияланган ерлардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ва бошқа манфаатдор министрлик ҳамда идоралар билан биргаликда Сибирь дарёлари тармоқларининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизишнинг лойиҳаси ҳамда иншоотлар ва объектлар қуришнинг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни топширган эди. Бутуниттифоқ «Союзводпроект» лойиҳа бирлашмаси бу вазифани адо этди.

Сибирь дарёлари тармоқларининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига оқизишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нималарда кўринади?

Аввало, бу тадбир жаҳон практикасида шу маҳалгача кўрилмаган ва қўлланилмаган улкан ва мураккаб проблемадир. У 2,5 минг километрдан зиёд масофада кўплаб гидротехник иншоотлари бўладиган суғориш каналидан иборат катта комплексдир. Шунинг учун ҳам бу лойиҳани «аср лойиҳаси» деб бежиз айтмаётирлар. Мана шу лойиҳа билан Орол бўйи ва Каспий бўйида, Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида, ҳатто Ғарбий Сибирнинг Кулундин ва Бабарин чўлларидаги унумдор 20 миллион гектар ерни суғориш ва фойдаланиш муаммолари боғланяпти. Агар бу муаммо муваффақиятли ҳал этилса, мамлакатимизнинг ана шу территориясида янги қишлоқ хўжалик зонаси вужудга келади.

Сибирь дарёларининг бир қисмини оқизиш лойиҳаси амалга оширилгач, Орол денгизи ҳавзаси ва Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ районларининг ўзаро иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ва чўқурлаштиришга ҳамда бу регионларнинг бир-бирига боғлиқ экономикасини янада юксалтиришга [illegible] яратилади.

Маълумки, Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳозирги пайтда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўрмон маҳсулотларига эҳтиёжининг 80, металлга талабининг 10—12 процентини қондирмоқда. Ўз навбатида Ўрта Осиё республикалари Сибирь ва Узоқ Шарқ меҳнаткашларининг сабзавот, полиз маҳсулотлари, хўл мева ва узумга бўлган эҳтиёжининг 15 процентидан кўпроғини таъминламоқда.

Сибирь дарёлари бир қисмининг оқизилиши туфайли Ўрта Осиё республикалари умумиттифоқ бозорига, аввало, Сибирь ва Узоқ Шарққа ҳар йили 1 миллион тоннага яқин сабзавот, 800-900 минг тонна полиз маҳсулотлари, 300-400 минг тонна хўл мева, 600-700 минг тонна узум етказиб бера олади. Бу, Сибирь ва Узоқ Шарқда кадрлар ва ишчи кучларининг қўнимсизлигига барҳам беришга, мамлакат маданий ресурсларини ўзлаштириш ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий ривожини юксалтиришда муҳим омил бўлади.

Сибирь дарёлари бир қисмининг Орол денгизи ҳавзасига оқизилиши натижасида Ўрта Осиё республикаларида меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги даражасини янада оширишга эришилади. Ҳозирги пайтда мамлакатда меҳнатга яроқли кишиларнинг бандлиги даражаси 92 процентга тенг бўлса, бу рақам Ўрта Осиёда 81-85 процентдир. Бундан ташқари, ҳисоб-китоблар 1990 йилгача СССРда аҳолининг 26, Сибирда 22, Ўрта Осиё республикаларида эса 80 процентга ошишини кўрсатмоқда. Демак, Сибирь дарёлари бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига оқизишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини янада оширишда ҳам кўринади.

Ниҳоят, Сибирь дарёлари бир қисмини оқизиш натижасида Орол денгизи ҳавзасидаги ноёб табиий бойликлар сақлаб қолинади.

Шу тариқа Сибирь дарёлари бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш сиёсий, иқтисодий, техникавий ва биологик масалага айланмоқда. Уни ҳал қилиш совет халқининг қўлидан келади.

Бу улкан тадбирни амалга ошириш партия ва ҳукуматимизнинг чор Россиясидаги собиқ қолоқ ўлкалар, ҳозирда эса тенглар тенги бўлган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтириш ҳақидаги оталарча ғамхўрлигининг ёрқин намойишига айланади. У СССР халқлари бузилмас дўстлигининг тантанаси. Совет Итифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати ленинча миллий сиёсатининг янги ғалабаси бўлади.

Э. АКРАМОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

◆ МОНГОЛИЯ

Монголия пойтахтида «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда ихтирочилик, новаторлик ва рационализация» кўргазмаси очилди.

Унга МХР халқ хўжалигининг олти асосий тармоғига оид 150 та рационализаторлик таклифи ва ихтиролари қўйилган. Қардош Монголияда ишлаётган совет қурилиш ташкилотларининг янгиликлари, шунингдек монгол мутахассислари ва уларнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги ҳамкасбларининг биргаликда тузган лойиҳалари экспозицияда асосий ўринни эгаллаб турибди.

◆ ГДР

Бошланган ўрим-йиғимнинг биринчи ўн кунлигида эришган юксак кўрсаткичлар учун механизаторларнинг энг яхши коллективлари ГДР Министрлар Совети билан эркин немис касаба союзлари Бирлашмаси Марказий правлениесининг кўчма байроқлари билан мукофотланди.

ГДРда ўрим-йиғим суръатлари кучайиб бормоқда. Ҳозир мамлакат қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари кузги арпа ўримини тугалламоқдалар. Ана шу экиннинг 75 проценти мамлакат далаларидан ўриб олинди. Мойли экинлар, жавдар, буғдой ўримига ҳам киришилди. Бу йил республика кооператорлари 2,5 миллион гектар ердаги донли экинларнинг ҳосилини йиғиштириб олишлари лозим.

◆ ЮГОСЛАВИЯ

Югославия фильмларининг Пула шаҳридаги анъанавий фестивали лауреатлари аниқланди. Режиссер Богдан Жижичнинг «Бошингни суқма» фильмига фестивалнинг «Катта олтин майдон» бош совғини берилди. Бу картина Ғарбий Европадаги муҳожир ишчиларнинг оғир тақдири ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоядир.

Фестивалда ўтган йилги Югославия кинематографиясининг 20 та энг яхши асари намойиш қилинди. Фестиваль бир қанча талантли ёш режиссерлар ва актерларни аниқлаш имконини берди.

◆ ВЕНГРИЯ

Баконьск конидаги янги шахта мамлакатга дастлабки бир неча тонна боксит берди. Бу ерда беш йилликнинг охиригача алюминий саноати учун 750 минг тоннадан кўпроқ хом ашё қазиб чиқарилади. Шахтанинг қурилганлиги — Венгрия алюминий саноати муваффақиятли ривожланганлигини кўрсатувчи мисолдир. Бултур Венгрия кончилари 2,9 миллион тоннадан кўпроқ боксит қазиб чиқардилар. Бу йил шу кўрсаткич янада кўпайтирилади.

◆ РУМИНИЯ

Ҳозирги беш йиллик мобайнида Руминиянинг Дунай дарёсидаги портлари юк оборотни 75 процент ортади, яқин йиллар ичида Махмудия порти республикада энг кирик портлардан бирига айланади. Мамлакатнинг бошқа портлари ҳам кенгайтирилади. Дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Тулча, Брэил, Сулин шаҳарларида портларни чуқурлаштириш ишлари амалга оширилади, денгиз кемаларининг келиб тўхташи учун янги причаллар қурилади. Галац порти реконструкция қилинади.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ЛУСАКА. (ТАСС). Замбия халқи ва ҳукумати Замбия билан Совет Иттифоқи ўртасида ўрнатилган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини юксак қадрлайди, деди республика Миллат мажлисининг спикери Р. Набульято. У СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига борган парламент делегациясига бошчилик қилган эди.

Мамлакатимиз ўртасида, — деди у., Замбия халқи миллий мустақиллик учун кураш олиб борган даврлардан буён яқин дўстлик алоқалари ўрнатилган.

Р. Набульято турли соҳаларда совет халқи эришган улкан муваффақиятларни таъкидлаб, шундай деди: Ўтмишда Россиянинг қолоқ чекканси бўлган, эндиликда эса экономикаси ривожланган иттифоқдош республика — Туркманистон ССР эришган муваффақиятлар айниқса бизда катта таассурот қолдирди. Бу республика мисолида биз иқтисодий ва социал тараққиёт йўлига ўтиб олган халқлар қандай улкан муваффақиятларга эришиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги вақтда бутун совет халқи кенг муҳокама қилаётган СССР янги Конституциясининг лойиҳаси сўнгги ўн йилликлар мобайнида мамлакат ҳаётида содир бўлган ана шу улуғвор ўзгаришларни акс эттиради, деди парламент спикери.

Биз аминмизки, деди Замбия делегациясининг бошлиғи, Совет Иттифоқи билан алоқаларни янада ривожлантириш мамлакатларимиз ва халкларимиз ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.



Белхатувск ёқилғи-энергетика комплекси шу беш йилликда халқ Польшасидаги энг йирик қурилиш бўлиб, комплекс 1980 йилга бориб қуриб битказилади.

Қудратли экскаваторлар бу ерда қўнғир кўмирни очиқ усулда қазиб олиш имконини беради. Суратда: кўмир қазийдиган қудратли экскаваторлардан бири.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Жаҳон насаба союзлари Федерацияси баёнот эълон қилди. Бу баёнотда Федерация империализмнинг демократик ва тараққийпарвар кучларга қарши қирдиқорларини фош қилади. Империализм, деб таъкидлаб ўтилади бу ҳужжатда, капиталистик мамлакатларда янги фашист гуруҳларнинг фаолиятини кучайтирмоқда.

Баёнотда Европада тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгаш Янунловчи актининг асосий қоидаларини амалга ошириш учун барча меҳнаткашларнинг бирлиги ва жипслигига эришиш зарур эканлиги кўрсатиб ўтилади.

● ВАШИНГТОН. Америка пойтахтида АҚШ ҳукуматининг социал эҳтиёжларга ажратиб берилаётган маблағларни камайтираётганлигига қарши норозилик намойиши бўлди. Аппалачи тоғи этақлари районидан Вашингтонга келган неча юзлаб кончилар «президент, ваъдангизга нега вафо қилмайсиз?», «Пулимиз йўқ, кўмиримиз йўқ», «Социал таъминотга мўлжалланган маблағларнинг қисқартирилишидан кексалар, бевалар ва болалар азоб чекмоқда» деган сўзлар ёзилган шиор ва плакатларни кўтариб Оқ уйга бордилар.

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАКЛИФИ

БАЙРУТ. Фаластин ВАФА ахборот агентлигининг хабар беришича, Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия комитетининг раиси Я. Арафатнинг икки давлат ўртасида «пропаганда урушни» тўхтатиш тўғрисидаги таклифини Миср қабул қилган. Я. Арафат Миср билан Ливия ўртасидаги можаро бартараф қилишда воситачилик вазифасини бажармоқда.

ХУА ГО-ФЭННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПЕКИН. ХКП Марказий Комитетининг раиси, ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Хуа Го-фэн Хитойда визит билан меҳмон бўлиб турган БМТ Бош секретари К. Вальдхаймни қабул қилди. Хуа Го-фэн икки соат давом этган суҳбат вақтида Хитой Мао Цзэ-дун ва Чжоу Энь-лай раҳбарлигида ўтказиб келган ташқи сиёсатни давом эттираверади, деди.

(ТАСС).

НЕЙТРОН БОМБАГА ҚАРШИ ҲАЛҚАРО ҲАРАКАТ ҲАФТАЛИГИ

НОХУШ СИЁСАТ

Яқинда ҳаммамиз даҳшатли ваҳшийлик гувоҳи бўлдик: Америка конгресси аъзолари нейтрон бомба ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш мақсадида маблағ ажратишни еқлаб овоз бердилар. Шахсан президент Картернинг ўзи «радиацияси кўпроқ бу қурол»ни тайёрлашга маблағ ажратилиши учун овоз беришларини сўради. Эндиликда шу овоз бериш натижаларини президентнинг ғалабаси деб ҳисобламоқдалар.

Нейтрон бомба аслида ўзи нима? Унинг бор «фазилати» шундаки, бу бомба радиация билан одамларни қириб юборгани-ҳолда биноларга зарар етказмайди. Ғарб милитаристлари кўпдан буён шунақа қуролни орзу қилиб юришарди. Зеро ғарб дунёсида бойлик ва мулк одам ҳаётидан қадрли ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас-ку.

Бундай бомбанинг яратилиши фактининг ўзи ҳам жуда даҳшатлидир. Чунки, нейтрон бомба амалда жажжи водород бомба демак. Овоз бериш натижалари хусусида қуролли қуғлар бўйича сенат комиссияси раиси Жон Стеннисининг айтганларидан ғоят ташвишга тушдим. Сенатнинг бу қарори унинг учун «кейинги йилларда энг зўр хушхабар» эмиш. Янги ялпи қирғин қуроли ишлаб чиқарилаётганидан қувониш!? Инсоният учун бундан ҳам қабиҳроқ, разилроқ нарса бўлмаса керак.

Ҳарбий доиралар янги қурол «одатдаги», «оддий» уруш олиб боришга имкон беради деб даъво қилмоқда. Бунинг учун замбаракни «нейтрон снаряд» билан ўқлаш кифоя эмиш. «Нейтрон снаряд» «ядро» қуроли бўлмагани учун ҳам «оддий», демак «хавфсизроқ» эмиш.

Кишиларни қириш, уларнинг меҳнати билан бунёд этилган бойликларни эса сақлаб қолишга мўлжалланган бу ҳилдаги қуролни қўлдан ташлашга кимга фойда? Бунақа пайтда ашаддий милитаристларгина бирон наф ҳақида бемалол оғиз кўпиртира оладилар. Зеро милитаризмнинг ўзи инсон учун, инсоннинг асосий ҳуқуқи — ҳаёт кечириш ҳуқуқи учун жиддий хавф-ҳатар ҳисобланади. Қизиқ америкалик сиёсатдонлар «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисида роса шов-шув солиб, айниқ ҳаннос кўтармоқдалар-у, айни чоғда АҚШ ҳарбий қудратини тинмай ўстириб бормоқда.

Қўшма Штатлар президенти «В-1» бомбардимончи самолётларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ программани қолдирди. Аммо, бунинг эвазига ғарб мамлакатлари мудофааси системасида «қанотли ракеталар» ролини ошираётир.

АҚШ бу ракеталарни НАТОнинг Европадаги қуролли кучларига беради деган гаплар бор. Тўғри, ҳозирча АҚШнинг НАТОдаги шериклари бу қуролларни олишга унчалик истак билдиришмаётир. Иттифоқчилар, шунингдек нейтрон бомбага ҳам ўзларида зарурат ҳис этмаяптилар. Чунки, қуролланиш пойгасини бу ҳилда авж олдириш Европа мамлакатларининг бусиз ҳам оғир иқтисодий аҳволини янада мушкуллаштиради, холос.

Жеймс ОЛДРИЖ,
инглиз ёзувчиси.
(АПН).

ГФР КАНЦЛЕРИ ҲАВФСИРАМОҚДА

БОННН. (ТАСС). ГФР канцлери Г. Шмидт нейтрон қуролини яратиш режалари НАТО доираларида ҳам, шунингдек Варшава Шартномасида катнашувчи давлатлар билан муносабатларда ҳам «каттагина психологик ва стратегик проблемаларни» юзага келтиради, деб яна бир бор таъкидлади. ГФР ҳукумати вакили А. Грюневалдниинг ДДП агентлиги тарқатган баёнотида шу тўғрисида гапирилади.

УРУШ БЮДЖЕТИ

РИМ. Исроил Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари М. Вильнер Кнессетда сўзлаган нутқида бундай деди: Исроил янги бюджетининг лойиҳаси Бегин ҳукуматининг янги урушга тайёргарлик кўриш ва халқ оммасининг аҳволини мушкуллаштиришга қаратилган сиёсий йўлини ифода этади.

1977-78 йилларга мўлжалланган бюджет лойиҳасида ҳарбий эҳтиёжларга сарф қилинадиган маблағлар 76 миллиард Исроил фунти миқдорида белгиланган. Бу — бюджетда ажратиб бериладиган барча маблағларнинг 62 процентини ташкил этади.

Совет мамлакатида

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ПОЙТАХТЛАРИНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВИРШУЛИШКЕСДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Вильнюснинг янги уй-жойлар массиви Виршулишкес кўплаб кишилар янги уйларга кўчиб киришди. Уйсозлик комбинатининг коллективи кўп қаватли турар-жой биносини муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топшириб, Вильнюс яқинидаги янги йўлдош шаҳарда биринчи микрорайон барпо этишни тугаллади. Бу ерда ҳозиргача 10 минг киши ҳовли тўйлари ўтказишди.

Виршулишкеда квартираларнинг планлаштирилиши яхшиланган — ошхоналари кенг, ложиялари қулай, мебель билан қурилган янги туркумдаги уйлар барпо этилмоқда. Ранг-ба-ранг плиталар билан пардозланган уйлар ўрмон манзарасига ҳуснини қўшиб турадиган уй-жойлар билан айни бир вақтда савдо маркази, болалар муассасалари, маиший хизмат корхоналари ҳам фойдаланишга топширилади.

Виршулишкесдаги қурилиш ишлари келгуси йили тугалланади. Бу — пойтахтнинг сўнгги ўн йил мобайнида қад кўтарган тўртинчи йўлдош шаҳридир. Шу даврда Литва пойтахтидаги ҳар икки кишидан бирининг уй-жой шароити яхшиланди.

ВИЛЬНЮС.

АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

Тбилисида юздан ортиқ олимни бирлаштирган археологик тадқиқотлар республика маркази ташкил қилинди. Марказнинг вазифаси — Грузияда археология ишларини мувофиқлаштиришдан, янги қурилишлар зонасида кенг қидирув ишларини олиб боришни ташкил этишдан иборат.

Бу марказнинг барпо этилганлиги грузин халқининг, шунингдек қадимий Грузия территориясида яшаган халқларнинг кўп асрлик тарихидаги янги саҳифаларни очишга ёрдам беради.

ТБИЛИСИ.

ИШЧИ КАДРЛАР МАСКАНИ

Молдавия пойтахтида очилган янги ҳунар-техника билим юртига ўқувчилар қабул қилина бошланди. Йигит ва қизлардан тўрт юздан кўпроқ киши Кишиневдаги холодильниклар заводи учун зарур бўлган касбларни ўзлаштира бошлайди.

Янги ўқув йили арафасида Кишиневда яна битта ҳунар-техника билим юрти очилади. Бу билим юрти қурувчилар тайёрлайди.

Ҳозирги вақтда Молдавия пойтахтида ўн тўртта ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларда ёшлар юзга яқин касбни ўрганадилар. Шаҳар корхоналари ҳар йили ҳунар-техника таълими системасида тайёрланган қариб 4,5 минг нафар малакали ишчиларни қабул қилиб олади.

КИШИНЕВ.

ФОРЕЛЬ БАЛИҒИ УЧУН ПИТОМНИК

Фрунзе шаҳридаги иссиқлик электростанцияси иккинчи, одатдан ташқари вазифасини бажарадиган бўлади. Йирик балиқчилик хўжалигининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу балиқчилик хўжалиги корхонада ишлатилган иссиқ сувдан фойдаланади. Утказилган тадқиқотлар кўрсатганидек, балиқ бундай сувда бутун йил давомида, ҳатто қаттиқ совуқ бўлган қиш ойларида ҳам яхши ривожланишини кўрсатди. Ҳолбуки, қишнинг бундай совуқ ойларида табиий ҳавзаларда балиқларнинг ўсиши кескин равишда секинлашади. Ана шундай ишлатилган сувда форель, зоғорабалиқ, сазан, оқ амур балиқларини урчитишга қарор қилинди.

ФРУНЗЕ.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

«МОЛНИЯ» МАИШИЙ ЭЛЕКТР АСБОБИ

намда бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва материалларни сафарда, автомобиль саёҳатида ва холодильникда енгил, зич, сув ўтказмайдиган ҳамда ишончли қилиб жойлаштиришда

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!



Бу электр асбоби уй шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачаларга зич жойлаш учун мўлжалланган.

«Молния» ёрдамида сиз бир неча секунд мобайнида ўзингизга керакли бўлган размердаги халтачани полиэтилендан тайёрлаб оласиз. Езда қуритиб олинган укроп, петрушка, кашнич, сельдерей ана шундай усулда жойлашганда қишда яхши сақланади. Резаворлик кўкатлари чангдан ва намдан яхши сақланади ҳамда ўзининг муаттар ҳидини йўқотмайди.

Туристик сафарга чиқканингизда, шаҳар атрофига дам олишга йўл олганингизда ёки поездда сафар қилганингизда «Молния» ёрдам беради. Полиэтилен халтачаларга солинган маҳсулотлар рюкзак ёки чемодандаги буюмларни ифлос қилмайди ҳамда сафар чоғида оғирлиги билинмайди.

БИЗ «МОЛНИЯ»НИ ОВЧИЛАРГА, БАЛИҚЧИЛАРГА ВА ФОТО ҲАВАСКОРЛАРГА ҲАМ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ.

«Молния» электр асбобидан фойдаланганингизда гугуртлар, порох, патронлар, кино ва фото пленкалари намдан яхши ва ишончли сақланади.

Ўйлаймизки, «Молния» савдо ходимларига ҳам қўл келади. Конфет, қанд, печенье, пишлоқ, сариғ ёғ маҳсулотларини зич ёпиладиган полиэтилен халтачаларга солиб қўйиш сақлашнинг қулай усулларидан биридир. Бу электр асбоби озода, маҳсулотларни қадоқлашда қулай бўлиб, уларни қуриб қолишдан сақлайди.

ПОЛИЭТИЛЕН ХАЛТАЧАЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН «МОЛНИЯ» МАИШИЙ ЭЛЕКТР АСБОБИНИНГ БАҲОСИ 20 СУМ БЎЛИБ, «УЗХОЗТОРГ»НИНГ БАРЧА МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗ «МОЛНИЯ»НИ СОТИБ ОЛИБ РУЗҒОРДА КУПГИНА ИШИНГИЗНИ БИТИРИБ ОЛАСИЗ.

«УЗХОЗТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА».

Наманган областидаги «Косонсой» совхози боғларида юбилей йилида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса олма серҳосил бўлди. Совхоз миришкорлари бу йил икки план миқдорида олма топшириш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда ҳар гектар олмазордан пландаги 50 центнер ўрнига 120 центнердан олма териб олиняпти. Айни пайтда олмалар сараланиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Олма териш ва саралашда Муҳаррам Мусаева, Маъмура Саидхўжаева, Мастура Бобохонова, Сабохат Исмойлова, Саодат Жўраева сингарилар пешқадамлик қилишяпти. Суратда: ёш боғбон Муҳаррам Мусаева олма теряпти.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

«ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУРАШГА ЙЎЛЛАНМА

Республикамиз пойтахтида яна бир ўзига хос спорт байрами бўлиб ўтди. Ўтган дам олиш кунлари марказий «Пахтакор» стадионида СССР кубоги — «Известия» газетаси совринни учун ярим финал мусобақалари қизғин спорт курашлари остида давом этди. Мусобақа тантанали суратда очилди. Байрамона безатилган стадион узра ғанфаралар садоси янграб, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилди.

Совриндорлик баҳсида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган 360 дан зиёд енгил атлетикачи ўзаро куч синашди. Мусобақада асосан яқингинада ниҳоясига етган Бутуниттифоқ ёшлари II спорт ўйинларининг иштирокчилари стартга чиқдилар. Шу жиҳатдан спорт мутахассислари совриндорлик курашини бўлажак олимпиадачилар нинг ўзига хос кўриги деб баҳоладилар ва умидли ёшларни чамалаб қўйдилар.

Совринни учун курашни энг олис масофа — 10 километрга югурувчилар бошлаб беришди. Бунда москвалик Валерий Тавруев маҳорат кўрсатиб, 31 минуту 56,3 секундда маррага биринчи бўлиб келди. Уч минг метрли масофага ўтказилган мусобақа ҳам қизғин спорт курашлари остида ўтди. Бунда ҳам пойтахтлик енгил атлетикачиларнинг омадлари келди. Е. Борисов 9 минуту 18,8 секундли натижа билан фахрли ўринни эгаллади. 1500 метрга югуришда армиячи А. Журавлев ғолиблик қилди. 800 метрга югуришда эса В. Голосовскийнинг олдига тушадигани топилмади.

Тўсиқлар оша югуриш бу сафар ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. 400 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсида фрунзелик Е. Хамидулин маҳорат кўрсатди. Елқин 54,3 секунд вақт сарфлаб ғолиб бўлди. Тошкентлик Виталий Тарасов эса, тўртинчи ўрин билан кифояланди. 200 метрга югуриш мусобақасида москвалик Владимир Воробьев (21,6 секунд) пешқадамлик қилди. 110 метрга тўсиқлар оша югуришда фрунзелик Павел Эльтерман 14,1 секунд натижа билан муваффақият қозонди.

100 метрга югуриш мусобақалари жуда кескин ўтди. Масофа яқин бўлгани учун спортчилар старт берилиши билан олдинга интилишди. Ғолиблик эса фақат бир кишига —тошкентлик Пётр Воробьевга насиб қилди. У 10,5 секунд вақт сарфлади. Ядро улоқтирувчилар мусобақаси ҳам анча қизиқарли бўлди. Москвалик Игорь Лебедев биринчи уринишда ядрони 66 метру 62 сантиметрга улоқтирган эди. Спортчилар бу кўрсаткични яхшилаш учун интилишди. Лекин москвалик спортчи кўрсатган натижа ўзгармади.

Баландга сакраш бўйича тошкентлик ғармиячи Александр Говордковга ҳеч ким тенглашолмади. У 2 метру 5 сантиметр юксакликни забт этди. Бу маррани бошқалар эгаллай олишолмади. Узунликка сакраш бўйича эса москвалик Геннадий Зеленухин 15 метру 47 сантиметрли натижа билан ғолиб чиқди. Найза улоқтиришда москвалик армиячи Владимир Чернов 72 метру 44 сантиметрли натижа кўрсатиб, фахрий супанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Шундай қилиб, СССР кубоги — «Известия» газетаси совринни учун ўтказилаётган мусобақанинг ярим финал мусобақалари тугади. Мусобақаларнинг ғолиблари аниқланди. Қараганданинг аёллар терма командаси ҳамда Марказий армия спорт клуби спортчилари ғолиб деб топилди. Тошкентликлар эса иккинчи ўрин билан чекланишди. Ғолиблар Кишиневда бўладиган финал мусобақаларига йўлланма олдилар.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Суратларда: (чапдан) молот улоқтириш бўйича ғолиб келган И. Лебедев (Москва), фрунзелик 110 метрга тўсиқлар оша югуриш устаси П. Эльтерман билан 400 метрга югуришда биринчиликни олган Е. Хамидулин. 100 метрга югуришда биринчи бўлган тошкентликлар А. Мифтахова (чапда) билан иккинчи ўринни эгаллаган И. Погорельская лар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ГАСТРОЛЛАРИ

ЕТУКЛИК ЙЎЛЛАРИДА

Самарқанд опера ва балет театрининг Тошкентдаги гастроллари бошланиши олдидан, труппанинг ижрочилик имкониятлари талаблар даражасидамикин, коллектив мўлжалланган етти спектакль — «Дилором», «Аида», «Ўйқудаги малика», «Ёрилтош», «Самарқанд афсонаси», «Майсаранинг иши», «Рустам қиссаси»ни ва, айниқса, улар орасидаги «Аида» ҳамда «Дилором» каби операларни меъёрига етказиб ижро эта оладиган кучга эгамикин, деган фикрлар, шубҳалар мавжуд эдики, бунга асос театрнинг охирги йилларда жуда ҳам бўшашиб қолганлигидир. Театр ҳаётида биринчи маротаба Тошкентда ўтказилган гастрол натижалари эса бундай фикрларнинг эндиликда кўп жиҳатдан ўринсиз эканлигини амалда исботлади.

Аввал М. Ашрафийнинг «Дилором» (режиссёр Л. Г. Мейсель, дирижёр Ф. Ёқубжонов), кейинроқ эса Ж. Вердининг «Аида» (режиссёр Л. Г. Мейсель, дирижёр Р. Г. Керимов) операларини, П. И. Чайковскийнинг «Ўйқудаги малика» балетини (балетмейстер Т. А. Тюрина, дирижёр Р. Г. Керимов) саҳнада кўрган талабчан томошабин, жумладан, музика жамоатчилиги ҳам ижро этилиши анча мураккаб бўлган бу спектакларнинг умуман қониқарли даражада эканлигидан мамнун бўлди. Гастроль якунида М. Ашрафийнинг «Рустам қиссаси» балетининг С. Ш. Бурхонов ва Р. Г. Керимов музикавий-саҳнавий таҳриридаги ижроси ҳам томошабинларга манзур бўлди ҳамда театрда керакли ижодий муҳит ва етакчи ижрочи куч борлигини кўрсатди.

Маълумки, ҳар бир опера ва балет асарининг ижроси учун етарли даражада солистлар, хор ҳамда кордебалет артистлари, тўла составли симфоник оркестр, шунингдек бошқа тур мутахассислардан иборат коллектив бўлиши шарт. Тўғри, бундай коллектив ўз-ўзидан туғилмайди ва бу ўринда ёш Самарқанд театрининг ҳам ўз қийинчиликлари бор: ашулачи-солистлар ҳали етарли эмас, хор коллективини талабга жавоб берадиган даражада, деб бўлмайди. Айниқса, опера ва балет жанрининг муҳим таркибий қисми — симфоник оркестрнинг тўла составли эмаслиги тезда жиддий тадбирлар кўришни талаб этади. Шунга қарамасдан, бутун гастроль давомида барча спектакллар театр труппасининг ўз кучи билан кўрсатилгани, аниқроғи, фақат симфоник оркестр составига қўшимча музикачилар жалб қилиш билан чегараланганлигининг ўзи ҳам катта ютуқ.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Самарқанд театри республикамиз опера ва балет санъати даражасини мамлакатимизнинг турли бурчакларидангина эмас, балки, дунёнинг ҳар жойидан келадиган сайёҳлар, жумладан, санъат мутахассисларидан иборат томошабин-меҳмонларга намойиш қилиб туради. Бошқачароқ айтганда, театрнинг Самарқанддаги ҳар бир спектакли, маълум даражада кўрик характерига эга. Бу ўз навбатида, труппани доим ижодий изланишда бўлиб, ҳар бир асар ижросига бирдай жиддий талабчанлик билан ёндашишга ундайди. Ҳар бир ижро этилган операдан ёки балетдан труппанинг ўзи қониқиб, завқланмаса, томошабин диққатини жалб этолмайди. Аммо Тошкентда кўрсатилган спектакларнинг айримларига нисбатан талабчанликнинг сустлиги кўзга ташланиб туради. Худди шундай ижро даражаси меъёрига етмаган спектакллар сифатида «Ёрилтош» (С. Бобоев асари), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков) операларини кўрсатишга тўғри келади. «Майсаранинг иши» фақат республикамиздагина эмас, Москва ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳларида, шунингдек, ажнабий мамлакатлар — Франция ва Польшада саҳналаштирилган биринчи ўзбек ҳажвий операсидир. Худди шу асарнинг республикамиз маданият марказларидан саналмиш Самарқанд опера ва балет театрида енгил-елпи ижро этилишини қандай баҳолаш мумкин?! Гастроль вақтида биз тинглаб, томоша қилган «Майсаранинг иши»да (баъзи роллар саҳнавий ижроси бундан мустасно) труппанинг ўзида мавжуд ижодий имкониятлар тўла юзага чиқмай қолган. Ҳатто ижрочиликдаги оддий талаб —симфоник оркестр билан ашулачилар, ансамбллар орасидаги жўровозликнинг йўқлиги, шунингдек, кўпгина ариялар (айниқса, Майсара вокал партиялари) умуман, бузиб қўйланганлигининг гувоҳи бўлдик.

«Ёрилтош» — болалар операси. Демак, асар бутунлигича болаларга мўлжалланган бўлиши керак. Кўрсатилган спектаклда эса фақат айрим саҳналаргина болаларга қаратилганини кўрамиз, асар постановкаси, кўпчилик ижрочиларнинг ташқи қиёфаси, рассом ишлаган декорациялар болаларни ишонтирадиган, завқлантирадиган даражада эмас. Асар музикаси кўп жиҳатдан (айниқса, биринчи парда ва бошқа айрим кўринишлар) болаларга мўлжаллаб ёзилмаган. Бу аҳволда ижро этиш давом этаверса, болаларни операдан бездириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бизнингча, биринчи ўзбек болалар операсининг янги редакцияси устида композитор билан театр коллективи жиддий бош қотирмоғи керак.

Театрнинг яна бир спектакли — Г. Мушелнинг «Самарқанд афсонаси» балетида либретто ўта нўноқ, балетнинг драматургияси асарнинг бадиий жиҳатдан юксак музикасига ҳамоҳанг эмас. Унда Улуғбек сиймосининг тасвирида сохталик сезилиб туради.

Агар биз улкан тажриба — «Рустам қиссаси» балетининг янги саҳнавий-музикавий таҳриридаги катта ижодий ютуқни эътиборга олсак, театр бошқа композиторларнинг опера ва балет асарларига ҳам жиддийроқ ёндоша олиш имкониятига эга эканлигига шубҳаланмасак бўлаверади.

Умуман, ижодий ҳамкорлик жуда кенг миқёсда йўлга қўйилса, театр биринчи навбатда, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта опера ва балет театри билан доимий алоқада бўлиб турса, кези келганда рассомлар, костюм ва бошқа реквизит усталари, постановкачи режиссёрлар, дирижёрлар, солистлар алмашиниб турилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу Самарқанд театрининг ўзига хос йўналишига ҳеч қандай путур етказмас эди.

Камолотнинг мураккаб йўлларидан довон ошаётган, муайян ижодий имкониятларга эга бўлган Самарқанд опера ва балет театри яқин келажакда республикамиздаги етук театрлардан бирига айланади ва унинг репертуарида ғоявий-бадиий юксак асарлар тобора кўпайиб бораверади, деган умиддамиз.

Ф. КАРОМАТОВ,
профессор.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАРИДАН

Ахборот

СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

«Боёвут» совхозида Сирдарё областида биринчи совхоз-техникум ташкил этилди. У Мирзачўлнинг нўрноқ ерларида барпо этилган пахтачилик хўжаликларига мутахассислар тайёрлаб беради. Бу йил совхоз-техникумда 120 йигит-қиз агроном, техник-механиклик касбини эгаллайди. Ўзбекистонда шу билан олтинчи совхоз-техникум очилди. Жиззах, Бухоро, Наманган, Андижон областларида янги ўқув юртлари пайдо бўлди.

ЕНҒОҚЗОРЛАР КЕНГАЯДИ

Наманган ўрмон хўжалиги мутахассислари енғоқ кўчатларини пайвандлашга киришдилар. Улар икки минг туп кўчатни пайванд қиладилар. Пайвандланган шунча кўчат 20 гектарли енғоқзор барпо этишга етади. Ҳозир Наманган областида юз гектарли енғоқзор бор. Енғоқзорлар ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб беш баравар кенгаяди.

САҲНАДА — ҲАВАСКОРЛАР

Тошкент область Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон районлари ҳаваскор артистларининг концерти республика пойтахтидаги Ленин комсомоли номли боғда муваффақият билан ўтди. Оҳангарон район маданият уйи оркестри, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, «Қўқон» ансамбли халқ ва замонавий ашула ҳамда рақсларни, қардош республикалар композиторларининг асарларини ижро этди.

Тошкентдаги Пушкин номли боғнинг очиқ театри республика кўригининг лауреати — Янгийўл маданият уйи мақомчилар ансамбли ихтиёрига бериб қўйилди. Янгийўл шаҳрининг, шунингдек Бекобод, Пискент, Олмалиқ шаҳарларининг боғлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган катта концерт қўйиб берган минг-минглаб ҳаваскор артистларни қабул қилди.

КИТОБХОНЛИК ЎТКАЗИЛМОҚДА

Навоий шаҳрининг «Фарҳод» маданият саройи кутубхонасида М. Горький, А. Блок, В. Маяковскийнинг ижодий йўли тўғрисидаги суҳбат билан китобхонлик бошланди. Кутубхона активлари совет ва чет эл ёзувчиларининг революцион воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлари асосида «Октябрь қаҳрамонлари» туркумидан суҳбатлар тайёрлашди.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Момақалдироқ» (фильм-спектакль). 14.45 — Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 15.35 — С. Залигин. «Шўрхок дара». 16.30 — «Максимка» (бадиий фильм). 17.45 — «Ёшлар адреслари». 18.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Қувноқ ноталар. 19.30 — БАМнинг меҳнат суръати (3-кўрсатув). 20.00 — Фильм-концерт. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биография — 1961 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Санъат усталари. СССР халқ артисти А. К. Тарасова. 23.35 — М. Глинка, А. Даргомижский, П. Чайковский романсларини Карина ва Рузана Лисицианлар ижро этади. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.35 — «Бизнинг Чукоккала» (телевизион фильм). 12.25 — «Пионер поездлари». 12.55 — Н. Крупская номли мактабгача тарбия билим юрти ўқувчиларининг концерти. 13.20 — «Қирқ биринчи» (бадиий фильм). 18.30 — «Қизиқарли учрашувлар». 19.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. «Ишчилар маҳорати». 19.30 — «Менинг опам» (ҳужжатли фильм). 19.45 — Ахборот. 20.00 —Совет киноси усталари. СССР халқ артисти Л. Орлова. 21.00 —Ахборот. 21.20— Операнинг ёш солистлари». 21.50— Дўстлик боғи (ҳужжатли фильм). 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Бир миллион тонна «каҳрабо дон» учун! 22.45 — Хонадон ва унинг соҳиби» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.20 — «Чинор» (бадиий фильм, 1-серия). 20.25 — Реклама. 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Фортепьяно куйларидан концерт. 21.25 — «Катта зал ҳақида хотиралар». И. Андроников ҳикоя қилади.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Микрофон олдида ёш ижрочилар. 9.30 — Қардош республикаларнинг эстрада куйлари. 11.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Олимлар — чорвадорлар хизматида. 13.30 — Микрофон олдида чет эл эстрада артистлари. 14.00 — Илгор мактабжўҳорикорлар рапорт бермоқдалар. 16.10 — Адабий радиопочта. 17.00 — Ўнинчи беш йиллик йилномаси. 17.20 — «Ешлик» радиостанциясининг программаси. 18.25 — Москва. Литва ССР радио куни. 20.20 — Сўнгги ахборот. 21.00 — М. Қориев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Давр билан синалган дўстлик. 22.40 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан О. Ёқубовнинг «Диёнат» романидан боб. 23.15 — Атоий лирикаси.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТАЙЕРЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ БЎЙИЧА ОПЕРАТОРЛАР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММАЧИСИ, СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА; СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА; ЧИЗМАКАШ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЎН СИНФ МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ШАҲАРЛАРИДАН ЙЎЛЛАНМА БИЛАН КЕЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қошида ётоқхона мавжуд эмас.

ЎҚИШГА КИРГАНЛАР 30 СУМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. Ўқиш аълочиларининг стипендияси 25 процентга оширилади. Билим юртини эзло баҳолар билан тамомлаган ўқувчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар. Ўқувчилар билим юртини тамомлагач министрликлар, идоралар, партия ва давлат органлари, илмий муассасалар ва ташкилотлар ҳисоблаш марказлари ва Тошкент шаҳридаги лойиҳалаш-конструкторлик бюроларига ишга юборилади.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Қуйидаги ҳужжатларни топшириш тавсия этилади: директор номига ариза, маълумот ҳақида аттестат (асли), саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика, паспорт, 4 та фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Киров район, Хуршид кўчаси, 45-уй (51, 9, 60, 72-автобуслар, 25, 2, 16-трамвайларнинг «Геологоразведка» ёки «Ғалаба боғи» бекати). Билим юрти ҳисоблаш-кредит техникумининг орқасида, «Семашко» шифохонасининг рўпарасига жойлашган.

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисослар бўйича:

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумоти билан

кутубхонашунослик иши (ўқиш ўзбек ва рус тилларида) халқ чолғу асбоблари ва хореография тўгаракларининг раҳбарлари (ўқиш ўзбек тилида).

10-синф маълумоти билан (ўқиш ўзбек ва рус тилларида), кутубхонашунослик иши, техника воситаларини қўллаш методикаси (кино-фото тўгарак раҳбарлари, халқ чолғу асбоблари, хор, театр ва хореография коллективларининг раҳбарлари (ўқиш ўзбек тилида); клуб ишлари режиссёрлари (ўқиш ўзбек тилида).

СИРТҚИ БЎЛИМГА

10-синф маълумоти билан: кутубхонашунослик иши (ўқиш ўзбек ва рус тилларида), клуб ишлари режиссёрлари (ўқиш ўзбек тилида) техника воситаларини қўллаш методикаси (ўқиш рус тилида).

Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 20 августгача ўтказилади.

Мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Чигатой массиви, 2-Чимбой проезди, 97-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VIII да Олтин девор, 10/VIII да Оқшомдан тушгача.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари. «Сувда цирк» аттракциони.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 16, 18.30). «ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Номус масаласи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.15).

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг раҳбарлиги, касаба союзининг йўл комитети, маҳаллий комитети ва партия комитети юк ташиш хизмати бошлиги А. Е. Ёқубовга ўғли

Аҳмаджон Алимович ЕҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р — 03565. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 184.